

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
АНАФЕРОН
ANAFERON

Препаратнинг савдо номи: Анаферон

Дори шакли: шимиш учун гомеопатик таблеткалар.

Таркиби:

1 таблетка куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалари: одам гамма интерферонига аффинно тозаланган антителолар – 0,003 г*.

ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати 0,267 г, микрокристаллик целлюлоза 0,03 г, магний стеарати 0,003 г.

*лактоза моногидратига таъсир қилувчи модданинг фаол шаклини 10^{-15} нг/г дан кўп бўлмаган микдорини сақловчи сувли-спиртли аралашма шаклида киритилади.

Таърифи: Ясси цилиндрик шаклли, оқдан деярли оқ ранглигача бўлган фаска ва рискали таблеткалар. Рискали ясси томонига MATERIA MEDICA ёзуви, бошқа ясси томонига ANAFERON ёзуви туширилган.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Иммуномодуляторлар. Вирусларга қарши воситалар.

АТХ коди: L03, J05AX

Фармакологик хусусиятлари

Профилактик ва даволаш учун қўлланганида препарат иммуномодуловчи ва вирусларга қарши таъсир кўрсатади. Грипп ва парагрипп вирусларига, оддий герпеснинг 1 ва 2 турларига (лабиал герпес, генитал герпес), бошқа герпес-вирусларига (сувчечак, инфекцион моноклеоз), энтеровируслар, кана энцефалити вируси, ротавирус, коронавирус, калицивирус, аденовирус, респиратор-синцитал (РС вируси) вирусларига нисбатан самарадорлиги экспериментал ва клиник аниқланган. Препарат шикастланган тўқималарда вируснинг концентрациясини пасайтиради, эндоген интерферонлар ва улар билан боғлиқ бўлган цитокинларга таъсир қилади, эндоген «эрта» интерферонларни (ИФН α/β) ва гамма интерферон (ИФН γ) ҳосил бўлишини индукциялайди.

Гуморал ва ҳужайравий иммун жавобни рағбатлантиради. Антителоларни, шу жумладан (секретор IgA) ҳосил бўлишини оширади, Т-эффекторлар, Т-хелперлар (Тх) фаолиятини фаоллаштиради, уларнинг нисбатини нормаллаштиради. Тх ва иммун жавобда иштирок этувчи бошқа ҳужайраларнинг функционал резервини оширади. Аралаш Тх1 ва Тх2-тур иммун жавобнинг индуктори химобланади: Тх1 (ИФН γ , ИЛ-2) ва Тх2 (ИЛ-4, 10) цитокинларни ишлаб чиқарилишини оширади, Тх1/Тх2 фаоллигининг мувозанатини нормаллаштиради (модуллайди). Фагоцитларнинг ва табиий киллер-ҳужайраларнинг (ЕК ҳужайралар) функционал фаоллигини оширади. Антимутаген хусусиятларга эга.

Қўлланилиши

Ўткир респиратор вирусли инфекцияларни (шу жумладан гриппни) олдини олиш ва даволаш.

Герпес-вируслари чақирган инфекцияларни (инфекцион моноклеоз, сувчечак, лабиал герпес, генитал герпес) мажмуавий даволаш.

Сурункали герпес вирусли инфекцияларни, шу жумладан лабиал ва генитал герпесни мажмуавий даволаш ва олдини олиш.

Кана энцефалити, энтеровирус, ротавирус, коронавирус, калицивирус чақирган бошқа ўткир ва сурункали вирусли инфекцияларни мажмуавий даволаш ва олдини олиш.

Бактериал инфекцияларни мажмуавий даволашда қўллаш.

Турли этиологияли иккиламчи иммун танқислиги ҳолатларини мажмуавий даволаш, шу жумладан вирусли ва бактериал инфекцияларнинг асоратларини олдини олиш ва даволаш.

Қўллаш усули ва дозалари

Ичга овқатланишдан ташқари вақтда. Таблетка тўлиқ эриб кетгунича оғизда тутиб туриш керак.

ЎРВК, грипп, ичак инфекциялари, герпес вирусли инфекциялар, нейроинфекциялар.

Даволашни 1-чи кундан 8 таблеткани қуйидаги схема бўйича: биринчи 2 соатда препарат хар 30 минутда (2 соат ичида 5 таблетка) қабул қилинади, сўнгра биринчи сутка давомида тенг вақт оралиқларида яна 1 таблеткадан 3 қабул амалга оширилади. 2-чи суткадан бошлаб ва кейинчалик тўлиқ тузалгунча 1 таблеткадан кунига 3 марта қабул қилинади.

Ўткир респиратор вирусли касалликлар ва гриппни препарат билан даволашнинг учинчи кунда яхшиланиш кузатилиши – шифокорга мурожаат қилиш керак.

Эпидемик мавсумда профилактика мақсадида препарат хар куни, кунига 1 марта 1-3 ой давомида қабул қилинади.

Генитал герпесни ўткир кўринишларида препарат тенг вақт оралиқларида қуйидаги схема бўйича қабул қилинади: 1-3 кунлари – 1 таблеткадан кунига 8 марта, кейинчалик 1 таблеткадан кунига 4 марта камида 3 ҳафта.

Сурункали герпес вирусли инфекцияларни қайталанишини олдини олиш учун-кунига 1 таблеткадан қабул қилинади. Сурункали герпес вирусли инфекцияларни олдини олиш курсини тавсия этилган давомийлиги шахсий равишда белгиланади ва 6 ойга етиши мумкин.

Препарат иммун танқислиги ҳолатларини даволаш ва олдини олиш учун қўлланганида, бактериал инфекцияларни мажмуавий даволашда – кунига 1 таблеткадан қабул қилиш керак.

Зарурати бўлганида препаратни бошқа вирусларга қарши ва симптоматик воситалар билан биргаликда қўллаш мумкин.

Ножўя таъсирлари

Препаратнинг компонентларига шахсий юқори сезувчанлик кўринишлари кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига шахсий юқори сезувчанлик, ҳомиладорлик ва лактация даври. Болалар ва 18 ёшгача бўлган шахсларда Анаферон детский препаратини қўллаш кўрсатилган.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ҳозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан номутаносиблик ҳоллари аниқланмаган.

Зарурати бўлганида препаратни бошқа вирусларга қарши, антибактериал ва симптоматик воситалар билан қўшиш мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Препаратнинг таркибига лактоза киради, шунинг учун уни туғма галактоземияси, глюкоза мальабсорбция синдроми, ёки туғма лактаза етишмовчилиги бўлган пациентларга буюриш тавсия қилинмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даври

Ҳомиладорлар ва лактация даврида Анаферонни қўллашнинг хавфсизлиги ўрганилмаган. Препаратни қўллаш керак бўлганида хавф/фойда нисбатини ҳисобга олиш керак.

Дозани ошириб юборилиши

Ҳозирги вақтгача дозани ошириб юбориш ҳоллари қайд қилинмаган.

Доза тасодифан ошириб юборилганида препаратнинг таркибига кирувчи тўлдирувчилар билан боғлиқ бўлган диспептик кўринишлар кузатилиши мумкин.

Чиқарилиш шакли

Шимиш учун гомеопатик таблеткалар. 20 таблеткадан поливинилхлоридли плёнка ва алюмин фольгали контур уяли ўрамда.

1, 2 ёки 5 контур уяли ўрамдан давлат ва рус тилларидаги қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон кутига жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда.

Препаратни қўллаш даври давомида ишлаб чиқарувчи томонидан кўзда тутилган контур уяли ўрам картон кутида сақлансин.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

4 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилган юридик шахс номи ва Россия Федерацияси худудидаги эътирозларни қабул қилувчи ташкилот

«НПФ «МАТЕРИА МЕДИКА ХОЛДИНГ» МЧЖ,

Россия, 127473, Москва ш, 3-нчи Самотечный пер., 9 уй.

Тел./факс: +7 (495) 684-43-33.

“Ишонч” телефони: +7 (495) 681-09-30, +7 (495) 681-93-00.

E-mail: hotline@materiamedica.ru

Дори препаратини ишлаб чиқариш жойининг манзили

Россия, 454139, Челябинск ш., Бугурусланская кўч., 54 уй.

Ўзбекистон Республикаси худудида эътирозларни қабул қилувчи ташкилот

«НПФ «МАТЕРИА МЕДИКА ХОЛДИНГ» МЧЖ ни ваколатхонаси

Ўзбекистон Республикаси, 100090, Тошкент ш, Яккасарой тумани, Таробий кўч., 11 уй

Тел.: +998712544057.

E-mail: uz@dep/materiamedica.ru